**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Самарқанд вилоят ҳокимлиги**
**Инжиниринг компанияси**
**иқтисодий масалалар бўйича**
**директори ўринбосари**
**__________К.Хамидов**
**«___»_____________2022 йил**

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси буюртмасига асосан, лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ишларини бажариш учун Etender.uzex.uz порталига эълонга жойлаштириш бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

04.11.2022 йил. *минг сўмда*

| № | Объектнинг номи ва манзили | Лойиҳа қуввати | Обеъктга ажратилган маблағ | Лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжат ( *экология ЗВОС, топо-харита, геология ва ишчи лойиҳа)* ларини тайёрлаш учун бошланғич таклиф этилган қиймати ҚҚС билан | Ишларни бажариш муддати (кун) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Самарқанд вилояти Булунғур тумани "Булунғур" МФЙ Сув насослари орқали ҳосил бўладиган оқова сувларни туман марказидан оқиб ўтадиган "Катта ариқ" дюкерига чиқариш | объект | 560 000,000 | 16 890,000 | 30 |

**“Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш” бўлими бошлиғи** **А.Қодиров**

*Тайёрлади: М.Маҳамматов*

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Самарқанд вилоят ҳокимлиги**
**Инжиниринг компанияси**
**директори**
**_____________ А.Илмуратов**
**«___» ______________ 2022 йил**

***"Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Булунғур» МФЙ Сув насослари орқали ҳосил бўладиган оқова сувларни туман марказидан оқиб ўтадиган «Катта ариқ» дюкерига чиқариш" объектини лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.***

# *ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ*

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИНИ ИШЛАБ ЧИКДИ**
Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

**Самарқанд-2022 й**

**БАРЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

***"Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Булунғур» МФЙ Сув насослари орқали ҳосил бўладиган оқова сувларни туман марказидан оқиб ўтадиган «Катта ариқ» дюкерига чиқариш" объектини лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.***

Объектнинг қиймати; 16 890 000 ҚҚС билан сўм

Товарни етказиш муддати - 30 календар кун.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Молиялаштириш манбаи**:** Бюджет маблағлари ҳисобидан .

♦ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомалага лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишларн шарт.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайтидан олишлари мумкин.

♦ Тасдиқланган танлаш хужжатлари буюртмачни томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

♦ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этнлган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

**ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**
**Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси**
**(буюртмачн номи ва объект номи)**

танловда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект буйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

***“Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Булунғур» МФЙ Сув насослари орқали ҳосил бўладиган оқова сувларни туман марказидан оқиб ўтадиган «Катта ариқ» дюкерига чиқариш” объектини лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.***

Товарни етказиш муддати - 30 календар кун.

Буюртмачи; Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Молияланлириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан .

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фукаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари. жумладан мухандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари. шу жумладан ишлаб моддий техника воситаларига эга бўлиши;

уз айланма маблаглари билан таъминланганлиги;

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар хажми хақидаги маълумотларни такдим этиш;

устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлик фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув. молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг Бажариладиган иш хизматларни рўйхатини, хусусан. Бажариладиган иш хизматларнннг рўйхатини тақдим этилиши хақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга хақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайтидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш. ишларнинг физик хажмлари материал ва конструкциялар хажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъсир мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат хисобланади.

Таклифларии танлаш ЭЬЛОН қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш коммиссияси томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш хужжатларниш қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

| Т/р | Бўлим номи | Бўлимга изохлар |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи: | Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси |
| 2 | Объект номн: | “Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Булунғур» МФЙ Сув насослари орқали ҳосил бўладиган оқова сувларни туман марказидан оқиб ўтадиган «Катта арик» дюкерига чиқариш” |
| 3 | Танлаш тартиб рақами | № |
| 4 | Танлаш тури: | Очиқ танлаш. |
| 5 | Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш | etender.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон қилинади |
| 7 | Танлаш ўтказиш тўғрисндаги эълон чоп этишга рухсат этилади | etender.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон қилинади |
| 8 | Танлашда иштирок этишга қуйидаги танлаш нштирокчиларига рухсат этилади | Бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар |
| 11 | Танлаш таклифларнин тақдим қилиш муддлтлари: | Офёрталарнн тақдим этишнинг охирги муддати порталда белгиланган танлашнннг Якуний муддатига қадар |
| 12 | Танлаш хужжатларининг тили: | Ўзбек тили |
| 14 | Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий кисмларини очилишга рухсат этиладиган танлаш иштирокчилари | Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар. |
| 15 | Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи | 16 890 000 ҚҚС билан сўм |
| 16 | Буюртмачн томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати | 30 календар кун |
| 17 | Молиялаштириш манбаси: | Бюджет маблағлари ҳисобидан |
| 18 | Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби | Бажарилган ишлар ва фактура АКТ оркали тўлаб берилади |
| 19 | Шартнома тили | Ўзбек тили |
| 20 | Шартнома валютаси | Ўзбек сўмида |

**Танловга қўйилган объектни баллаш мезонлари ва изоҳлар бўйича**
**МАЪЛУМОТ**

| № | Мезон | Баҳолар | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | Шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати бўлиши лозим | Максимал балл – 10 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Иштирокчи корхона раҳбари ёки корхона ишончлик вакили, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати бўлиши лозим |
| 2 | Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги тўғрисида маълумот | Максимал балл – 10 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Инсофсиз бажарувчилар Ягона реестрида (қора рўйхат)да йўқлиги, илгари тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тўғрисида корхона ёки ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган маълумотнома |
| 3 | Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги тўғрисида корхона ёки ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган маълумотнома | Максимал балл – 10 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Иштирокчи корхонанинг танлаб олиш даврида солиқ ва мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот. Тақдим қилинмаган ёки лозим даражада тақдим қилинмаган ҳолатда харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади. |
| 4 | Иштирокчи корхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот | Максимал балл – 10 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Иштирокчи корхонанинг танлаб олиш даврида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот. Тақдим қилинмаган ёки лозим даражада тақдим қилинган ҳолатда харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади. |
| 5 | Ташкилот гувохномаси, объектнинг тоифасига тўғри келадиган лицензия | Максимал балл – 10 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Иштирокчи корхонанинг танлаб олиш даврида ташкилотнинг эълонга қўйилаётган объектнинг тоифасига тўғри келадиган лицензияга эга бўлиш керак. |

| № | Мезон | Баҳолар | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 6 | Ишчи ходимларнинг мутахассислиги бўйича маълумот (my.mehnat.uz порталидан ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида ёки меҳнат дафтарчаси тўғрисида маълумонома тақдим этиш (QR-код), диплом ва буйруқ нусхаси) | Максимал балл – 20 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Иштирокчи корхона хакида маълумот, ходимлари тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим. махсус лицензиялари (мавжуд булса) хақида маълумотлар. |
| 7 | Моддий техник базаси бўйича маълумот, (бино-иншоот кадастр ҳужжати нусхаси ёки ижара шартномаси нусхаси, геодезия ишлари учун мураккаблик даражаси етарли бўлган лицензия ёки шартнома нусхаси | Максимал балл – 10 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Моддий техник базаси бўйича маълумот, (бино-иншоот кадастр ҳужжати нусхаси ёки ижара шартномаси нусхаси, геодезия ишлари учун мураккаблик даражаси етарли бўлган лицензия ёки шартнома нусхаси |
| 8 | Бажарган ишлари тўғрисида маълумотнома Лойиҳа турига қараб (расмлар, дастлабки бош режа, фасад, қават режалари) ва ғолиб бўлган ташкилот обектда бир ҳафтада 3 маротаба муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича кафолат хати. | Максимал балл – 20 балл;<br>Минимал балл– 0 балл.<br>100 баллик баҳолаш системаси | Бажарган ишлари тўғрисида маълумотнома Лойиҳа турига қараб (расмлар, дастлабки бош режа, фасад, қават режалари) ва ғолиб бўлган ташкилот обектда бир ҳафтада 3 маротаба муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича кафолат хати. |
| **Танловда иштирок этишни истагинии билдирган пудрат ташкилотлари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиши мажбурий ва шарт.** | | | |

*Изоҳ; Техник қисм учун 80 балл объектнинг нархи учун 20 балл ва минимал ўтиш бали 70 балл қўлланилади.*

**“Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш” бўлими бошлиғи** **А.Қодиров**